

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДИКАРИМОВА ДИНАРА РУСТАМХАНОВНА**

**БАНК КРЕДИТЛАРИ ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ**  
**БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата дессертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on economical sciences**

**Абдикаримова Динара Рустамхановна**

Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини  
такомиллаштириш йўллари ..... 3

**Абдикаримова Динара Рустамхановна**

Пути совершенствования практики оценки залогового  
обеспечения банковских кредитов ..... 29

**Abdikarimova Dinara Rustamxanovna**

Ways to improve the practice of assessing the collateral  
of bank loans ..... 55

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 59

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ**

**АБДИКАРИМОВА ДИНАРА РУСТАМХАНОВНА**

**БАНК КРЕДИТЛАРИ ГАРОВ ТАЪМИНОТИНИ**  
**БАҲОЛАШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**  
**ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ– 2018**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Iqt379 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tfi.uz](http://www.tfi.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилди.

**Илмий раҳбар:**

**Джабриев Акбарали Нормурадович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Йўлдошев Олим Абдураимович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент молия институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ куни соат\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри Амир Темур кўчаси, 60-А уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-11-48, e-mail: [admin@tfi.uz](mailto:admin@tfi.uz).

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2018 йил «\_\_»\_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х.Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, и.ф.д., профессор

**С.У.Меҳмонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
котиби, и.ф.д., профессор

**Ж.И.Каримқулов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, и.ф.н.,  
доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Халқаро банк тизими молиявий барқарорлигини таъминлаш, активлар сифатини ошириш ва улар билан боғлиқ рискларни бошқариш жараёнида кредитларнинг гаров таъминотини баҳолаш жараёни бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Кейинги йилларда айрим хорижий банкларда муаммоли кредитлар улушининг сезиларли равишда ортиб бораётганлиги, ликвидли маблағларга бўлган талабнинг кучайиши, кредитлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган зарарларни қоплашнинг реал инструментларидан тўлиқ фойдаланилаётганлиги каби муаммолар банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда<sup>1</sup>. Бугунги кунда, жаҳонда кредитлар гаров таъминотини баҳолаш сифатининг пастлиги, баҳолашнинг ягона мезонлари амал қилмаслиги ва замонавий кредитлаш амалиёти талабларига мос келмаслиги, баҳолаш хизматлари сифати бўйича баҳоловчиларнинг масъулияти белгилаб қўйилмаганлиги каби қатор масалалар бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шунингдек Европадаги қарз инқирози (European Sovereign Debt Crisis) оқибатида молиявий операциялар ва банк кредитларини кафолатлаш учун гаровдан фойдаланиш амалиётида ўсиш тенденцияси кузатилди. 2007-йилгача евро бозорларда айланмаларнинг қарийб 60 фоизи гаров билан таъминланган бўлса, 2015-йилга келиб бу кўрсаткич 90 фоизгача ўсди.<sup>2</sup> Бу эса, ўз навбатида, гаров объектларини баҳолашга бўлган талабнинг ошишига ҳамда уни баҳолашга бўлган эътиборнинг кучайишига сабаб бўлди.

Ривожланган давлатлар, хусусан АҚШ ва Европанинг бир қатор давлатларида гаров асосида кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ҳозирги кунда ҳам ўта фаоллик билан ўрганилаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунга халқаро молия бозорида банклар фаоллиги ҳамда охирга йиллардаги кредит инқирозларини сабаб сифатида кўрсатиш мумкин. Тадқиқотларда халқаро амалиётда тижорат банклари молиявий барқарорлигини ошириш, қарздор молиявий ҳолати ишончлилигини аниқлаш, баҳолаш амалиётидаги рискларни бошқариш, кредит муносабатларида қимматли қоғозлар билан боғлиқ амалиётларни тартибга солиш, гаровни бошқариш амалиётининг ишончлилигини ошириш, контрагент (қарз олувчи) банкротлиги ҳолатидаги йўқотишларни ҳисоблаш, гаров объектининг кредитни сўндириш муддатидаги қийматини аниқлашда эконометрик моделлаштириш орқали гаров риски даражасини баҳолаш кабиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келтирилаётган жиҳатларга Банк назорати бўйича Базель қўмитаси талабларида ҳам жиддий эътибор қаратилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда банк кредитлари бўйича гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш, хусусан, банкларнинг кредит таъминотини

<sup>1</sup> International Financial Statistics. IMF, July 2007. -1036 p.

<sup>2</sup> European Central Bank Working Paper Series, On collateral: implications for financial stability and monetary policy, No 2107 / November 2017.

<sup>3</sup> Enhancements to the Basel II framework. July 2009. <https://www.bis.org/publ/bcbs157.pdf>; Basel III: Finalising post-crisis reforms. December 2017. <https://www.bis.org/bcbs/publ/d424.pdf>.

баҳолашда маъмурий ёндашувларга барҳам бериш, баҳолаш ташкилотлари ўртасида ўзаро рақобатни кучайтириш, гаров таъминотини ҳаққоний ва оқилона баҳолаш, кредит таъминоти сифатида олинган мол-мулкни зарур ҳолларда зудлик билан сотиш, банк кредитлари таъминотига қўйилган гаровни баҳолашда юқори малакали ва тажрибали баҳоловчиларни жалб этиш, банк кредитлари таъминотини баҳолаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Банк тизимини ислоҳ қилиш, банклар депозит базасининг капитализациясини чуқурлаштириш ва барқарорлигини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва ишончлигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестицион лойиҳалар ҳамда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаштиришни янада кенгайтириш» вазифаси белгиланган<sup>4</sup>. Банкларнинг ликвидлигини таъминлаш, банк рискларини самарали бошқариш, банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш услугиётини такомиллаштириш каби вазифалар юкланган ва бу борада амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш зарурлиги шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сонли «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури тўғрисида», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сон «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2018 йил 1 июндаги ПҚ-3764-сонли «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорлари ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Баҳолаш усуллариининг назарий жиҳатлари ва уларни амалиётга жорий этишнинг айрим жиҳатлари маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлардан А.Грязнова, М.Федотова, В.Попков, Е.Евстафьева, В.Есипов, Г.Маховикова, В.Терехова, Г.Микерин, Н.Павлов, С.Валдайцев, Б.Абдукаримов, Б.Ходиев, Б.Беркинов, А.Кравченко, Д.Истамов,

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль.

Ю.Гранаткин, М.Мухаммедов, Э.Ходжаев ва бошқаларнинг илмий мақола ҳамда асарларида ёритилган<sup>5</sup>.

Бевосита банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашга доир тадқиқотларини хорижий олимлардан Ф.Мишкин, Кент Маттьюс, М.Гиулиодори, И.Лаврушин, Г.Белоглазова, Л.Кроливецкая, О.Мосоловалар<sup>6</sup>, мамлакатимиздаги олимлардан Ш.Абдуллаева, Т.Қоралиев, У.Азизов ва А.Омоновларнинг илмий ишларида<sup>7</sup> кўришимиз мумкин. Шу ўринда банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш масаласи мамлакатимизда алоҳида илмий тадқиқот иши сифатида бажарилмаганлиги ҳам тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини оширади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг «Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари» мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг назарий асосларини ўрганиш орқали иқтисодий моҳиятини очиб бериш;

кредитларнинг гаров таъминотини баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини қиёсий ва танқидий ўрганиш;

банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг харажат, даромад ва қиёсий ёндашувларини тадқиқ этиш;

банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш асосида мавжуд муаммо ва тенденцияларни аниқлаш;

хорижий амалиётда банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ва уларни Ўзбекистон банк амалиётига қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

банк кредитлари гаров таъминотининг баҳолаш амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

---

<sup>5</sup> Оценка бизнеса. Учебник. под редакцией А.Грязновой, М.Федотовой –М.: «ФиС», 2009., 736 стр.; В.Попков, В.Евстафьев. Оценка бизнеса. Схемы и таблицы: Учебное пособие. –СПб.: Питер, 2007., 240 стр.; В.Есипов, Г.Маховикова, В.Терехова. Оценка бизнеса. –СПб.: Питер, 2001., 416 стр.; Г.Микерин, Н.Павлов, Н.Яшина. Международные стандарты оценки. Кн. 2.–М.: ОАО «Типография» НОВОСТИ, 2000., 313 стр.; С.Валдайцев. Оценка бизнеса: учеб. -2-е изд., перераб. и доп. – М.: ТК Велби., Изд-во Проспект, 2006., 360 стр.; Б.Абдукаримов ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик., М.Пардаев тахририосида. – Т.: «Фан ва технология», 2013., 368 б.; Б.Ходиев, Б.Беркинов, А.Кравченко. Бизнес қийматини баҳолаш. Ўқув қўлланма. – Т.: «Иқтисод-молия», 2007., 256 б.

<sup>6</sup> F.Mishkin, K.Matthews, M.Giuliodori. The economics of money, banking and financial markets. – USA: Pearson, 2013., 656 p.; Банковское дело. Учебник. под ред. О.Лаврушина - М.: 2009., 768 стр.; Г.Белоглазова. Банковское дело. Организация деятельности коммерческого банка. Учебник. Г.Белоглазова, Л.Кроливецкая. - М.: Издательство Юрайт; ИД Юрайт, 2011., 422 стр.; О.Мосолова. Развитие залогового механизма в системе кредитования. Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. к.э.н. – Москва, 2013., 24 стр.

<sup>7</sup> Ш.Абдуллаева Банк иши. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-молия», 2017., 732 б.; У.Азизов ва бошқ. Банк иши. Дарслик. – Т.: «Иқтисод-молия», 2016., 640 б.

**Тадқиқотнинг объекти** тижорат банклари гаров таъминоти сифатида қабул қилинадиган активларни баҳолаш билан боғлиқ амалиётлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистон тижорат банклари гаров таъминотини баҳолаш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлар илмий ишнинг предметиدير.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда умумлаштириш, гуруҳлаш, таққослаш, монографик тадқиқот, истикболли прогнозлаштириш, абстракт-мантикий фикрлаш, иқтисодий таҳлил, индукция ва дедукция каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

технологик ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада ажратилаётган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида ускуналарни қабул қилиш билан бирга экспорт операцияларини ва шартномаларини ҳам ҳисобга олиш тартиби ишлаб чиқилган;

банк кредитлари бўйича транспорт воситалари, машина ва ускуналар гаров сифатида қабул қилинганда амортизация муддатини ҳисобга олиш орқали гаров рискинни камайтириш йўллари белгилаб берилган;

хусусий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарлар учун келгуси ҳосилни гаровга қўйиш орқали кредитлаш амалиётини ҳосилни етиштириш билан боғлиқ даврийлик асосида босқичма-босқич амалга ошириш механизми ишлаб чиқилган;

қисқа муддатли кредитлаш амалиётида юқори ликвидли қимматли қоғозларни ҳам гаров объекти сифатида қабул қилиш тавсия этилиб, бунда гаров қийматини аниқлашнинг ташкилий-иқтисодий асоси ишлаб чиқилган;

банк кредитлари бўйича гаров рискинни пасайтириш мақсадида гаров активлари портфелида юқори ликвидли активларни диверсификациялашнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш» тушунчасига банкдан кредит олиш мақсадида кредит олувчи томонидан тақдим этилган мулкнинг реал баҳоси (бозор қиймати)ни баҳоловчи ташкилотнинг баҳолаш ёндашувлари асосида аниқлашга қаратилган фаолияти сифатида муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди;

халқаро кредит линиялари бўйича машина ва ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада кредитлар ажратишда экспорт шартномалари ва тушумларининг ҳисобга олиниши валюта рискинни камайтиришга имкон бериши асослаб берилди;

хусусий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар фаолиятини кредитлашда келгуси ҳосилни гаров сифатида баҳолаш механизми бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси мулкни баҳолаш миллий стандарти лойиҳасининг 4-бўлимидаги харажат ёндашувида баҳолаш услубларидан бири сифатида фойдаланилган;

қисқа муддатли кредитлаш амалиётида корпоратив облигацияларни гаров объекти сифатида қабул қилишда уни жорий қийматини баҳолаш дастури



ишлаб чиқилди ва бу ўз-ўзидан гаров объекти сифатида молиявий актив қийматини аниқлаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг назарий ва амалий муаммоларига бағишланган тадқиқот муаллифларининг илмий қарашларини ўрганиш, соҳадаги хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини тадқиқ этиш, эксперт баҳолаш натижаларига, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси, тижорат банклари, баҳоловчи ташкилотлар статистик маълумотлари ва ҳисоботларига асосланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий асос ва илмий таклифларнинг банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш бўйича илмий аппаратни бойитиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан банк кредитлари гаров таъминотини такомиллаштиришнинг концептуал асослари, усуллари ва моделларини ишлаб чиқишда, бу борада амалга оширилаётган махсус тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда, баҳоловчи ташкилотлар томонидан гаров мақсадида тақдим этилаётган мулкларни баҳолашда, кредит олувчилар томонидан лойиҳа қийматидан келиб чиққан ҳолда гаров объектларини тақдим этиш амалиётларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот жараёнида олинган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар амалиётга жорий этилган:

технологик ускуналар сотиб олиш учун хорижий валютада ажратилаётган кредитлар бўйича гаров таъминоти сифатида ускунани олиш билан бирга экспорт операциялари ва шартномаларини ҳам ҳисобга олиш бўйича таклифи «Агробанк» АТБнинг 2018 йилга мўлжалланган кредитлаш сиёсатининг асосий йўналишларида хорижий валютада молиялаштирилаётган инвестицион лойиҳалар ва кредитлар бўйича жорий этилди (АТБ «Агробанк»нинг 2018 йил 25 майдаги №23-3-18/761-сонли маълумотномаси). Натижада, банк томонидан 100 минг АҚШ доллари миқдорига 2 та инвестицион лойиҳани амалга оширишда бевосита қўлланилган ва натижада валютадаги кредит рискининг олди олинган;

банк кредитлари бўйича транспорт воситалари, машина ва ускуналар гаров сифатида қабул қилинганда, гаров рискин камайтириш мақсадида амортизация муддатини ҳисобга олиш бўйича таклифи «Агробанк» АТБ томонидан амалиётга жорий этилган (АТБ «Агробанк»нинг 2018 йил 25 майдаги №23-3-18/761-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш орқали ажратилаётган кредитларга гаров таъминоти сифатида транспорт воситалари, машина ва ускуналар гарови остида ажратилаётган кредитлар салмоғи 3 фоизга ортган;

хусусий кишлок хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар учун келгуси ҳосилни гаровга қўйиш орқали кредитлаш амалиётини ҳосилни етиштириш билан боғлиқ даврийлик асосида босқичма-босқич амалга ошириш ва бунда суғурта компаниялари томонидан рисклиликни баҳолаш бўйича таклифи «Агробанк» АТБ томонидан амалиётга жорий этилган (АТБ «Агробанк»нинг 2018 йил 25 майдаги №23-3-18/761-сонли маълумотномаси, ЎзР Баҳоловчи ташкилотлар ассоциациясининг 2018 йил 18 июндаги №117/06-2018-сонли маълумотнома). Ушбу таклиф асосида бугунги кунда республикамизда алоҳида эътибор қаратилаётган кластер тизимини ривожлантириш мақсадида «ABC Oqqo'rgon Agro cluster МЧЖ» пахта-тўқимачилик кластерига 63 млрд. сўмлик кредит лойиҳа босқичлари асосида ажратилган ва бу, ўз навбатида, самарали кредит мониторинги ва лойиҳа сарадорлигига хизмат қилган;

кисқа муддатли кредитлаш амалиётида юқори ликвидли қимматли қоғозларни ҳам гаров объекти сифатида қабул қилиш юзасидан таклифи «Агробанк» АТБ томонидан амалиётга жорий этилди (АТБ «Агробанк»нинг 2018 йил 25 майдаги №23-3-18/761-сонли маълумотномаси, Ўз.Р. Интеллектуал мулк агентлигининг 2018 йил 4 июндаги № DGU 05395-сонли гувоҳнома). «Агробанк» АТБ томонидан ажратилаётган кисқа муддатли кредитлаш амалиётида юқори ликвидли қимматли қоғозларни ҳам гаров объекти сифатида қабул қилиш банкнинг 2018 йилга мўлжалланган кредит сиёсатида инобатга олинди ва гаров турлари кенгайишига хизмат қилган ҳамда мазкур гаров тури остида 1 млрд. сўмдан ортиқ инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга имконият яратган;

банк кредитлари бўйича гаров рискинни пасайтириш мақсадида гаров активлари портфелида юқори ликвидли активларга алоҳида эътибор қаратиш, шунингдек, бозор баҳоси кескин ўзгарувчан бир хил турдаги гаров активлари ҳажмининг ошиб кетишига йўл қўймаслик таклифи «Агробанк» АТБ томонидан амалиётга жорий этилди (АТБ «Агробанк»нинг 2018 йил 25 майдаги №23-3-18/761-сонли маълумотномаси). Ушбу таклифни қўлланилиши натижасида банк кредитлари бўйича гаров рискинни бошқариш имконияти юзага келган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 4 та республика ва 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, шу жумладан, 1 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, шундан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олган ҳолда 165 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг назарий ва ташкилий асослари**» деб номланган биринчи бобида банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг иқтисодий мазмуни ва асосий тамойиллари, баҳолашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва гаров таъминотини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари, банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш босқичлари ва таъсир этувчи омиллар атрофлича тадқиқ қилинган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Кейинги йилларда, кўчар ва кўчмас мулклар баҳосининг беқарорлиги, шунингдек банк кредити рискларининг кўпқирралиги банк кредитларини ликвидли гаров таъминоти билан таъминлаш ва уларни баҳолаш бўйича долзарб масалаларни вужудга келтирмоқда. «Маълум вақт давомида олинган ёки тўланган пул банк кредити бўйича гаров таъминотини баҳолаш жараёнида жуда муҳим ҳисобланади»<sup>8</sup>. Гаров тушунчасининг иқтисодий моҳиятини очиб беришга қаратилган кўплаб илмий таърифлардан кўриш мумкинки, гаров айнан кредит муносабатларида кенг қўлланилади ва қарз олувчи мажбуриятини ўз вақтида бажара олмаса, банк кредитлари гаров объектини сотиш орқали кўриладиган зарарни қоплаши мумкин. Бунда кўчар ва кўчмас мулкларга реал баҳолар ўрнатилиши банкларда муаммоли кредитларни бартараф этишга самарали хизмат қилади. Бу эса, албатта, мазкур йўналишда банкларнинг баҳоловчи ташкилотлар хизматларига бўлган талабини оширади, чунки берилаётган кредитлар гаров таъминотининг бозор баҳосини аниқлаш айнан шу ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

Маълумки, банк томонидан берилган кредит рискининг хавфсиз даражасини таъминлаш мақсадида кредит олувчи жисмоний ёки юридик шахс турли шаклдаги мол-мулкларни гаров таъминоти сифатида банкларга тақдим этади. Умумий ҳолда банк кредити бўйича гаров таъминотини баҳолаш жараёнида учта томон иштирок этади ва улар банк, баҳоловчи ташкилотлари ва кредит олувчилардир. Баҳолаш муносабатларининг марказида турувчи субъект бу кредит олувчи ҳисобланади. Кредит олувчи ўзининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ўзининг ёки бошқа шахснинг кўчар ёки кўчмас мулкларини гаров таъминоти сифатида банкка тақдим этади. Айнан ушбу баҳолаш жараёни баҳоловчи ташкилот, банк ва қарз олувчилар ўртасидаги муносабаларини вужудга келтиришга замин тайёрлайди. Албатта, ушбу жараён

---


<sup>8</sup> Оценка бизнеса. Под ред. А.Г.Грязновой, д.э.н., профессора М.А.Федотовой. Учебник.–М.:«ФиС», 2009-736 стр.

кредит олувчи ва баҳоловчи ташкилот ўртасида тузилган шартнома асосида амалга оширилади ва тартибга солинади.

Айнан юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қайд этишимиз мумкинки, «**Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш** – банкдан кредит олиш мақсадида кредит олувчи томонидан тақдим этилган мулкнинг реал баҳоси (бозор қиймати)ни мустақил баҳоловчилар томонидан баҳолаш ёндашувларини қўллаш асосида аниқлашга қаратилган фаолиятидир».

Баҳолаш жараёнида банк расмий равишда иштирок этмасида, бироқ унинг натижасидан асосий фойдаланувчи сифатида майдонга чиқади. Банкни баҳолаш натижаси бўйича қизиқтирадиган асосий масала гаровга қўйилган мулкнинг ҳақиқий баҳосини билиш ва кредит операцияси бўйича келгусида вужудга келиши мумкин бўлган кредит rischi даражасини пасайтириш ҳисобланади.

Бизга маълумки, гаров механизми кредит муносабатларида алоҳида эътибор талаб қилади. Гаров механизми кредит буюртмасини ўрганиб чиқиш жараёнида кредит шартномасининг шартларидан бири сифатида юзага келади ва кредит муддати давомида амалда бўлади. Гаров механизмининг ўзига хос жиҳатларини қуйидаги расмдан кўришимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Гаров механизмидаги ўзига хос жиҳатлар<sup>9</sup>

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг ривожланиб бориши баробарида баҳолаш институти шаклланиш босқичини ва мустақил иқтисодий тузилма

<sup>9</sup> Расм муаллиф томонидан тузилган.

даражасига қадар бўлган жараёни босиб ўтди. Натижада Ўзбекистон Республикаси «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Мулкни баҳолашнинг миллий стандартларига асосланган баҳолаш институти ташкил топди.

Баҳолаш ташкилотлари ва баҳоловчилар фаолиятини ташкил этиш, шунингдек банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг хориж тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, банк кредитлари бўйича қўйилган кўчмас ва кўчар мулкларни баҳолаш тартиби бошқа хўжалик субъектларининг буюртмалари учун амалга ошириладиган баҳолаш жараёнидан деярли фарқ қилмайди. Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш жараёнини ташкил этиш ва амалга ошириш босқичлари тавсия қилинди (1-жадвал).

Бизнинг назаримизда, баҳолаш жараёнини ташкил этишда банкнинг ваколатли ходимининг иштироки жуда муҳим ҳисобланади. Чунки, кредитнинг тўлови билан боғлиқ муаммо вужудга келганда гаров ҳисобидан ушбу рискни бартараф этиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

1-жадвал

### Баҳолаш жараёнини ташкил этиш босқичлари<sup>10</sup>

Босқичлар	Босқичларнинг мазмуни	Амалга ошириладиган ишлар
<i>1-босқич</i>	Баҳоловчи банкнинг ва кредит олувчининг ваколатли ходими билан техник жиҳатларини келишиб олиш	Баҳоланаётган объект аниқланади, уни баҳолаш жараёни зарур маълумотлар ҳажми ва уларни шакллантириш тартиби, баҳолаш жараёнида йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликлар ва чегаралар ҳамда баҳолаш ўтказиш муддатлари келишиб олинади
<i>2-босқич</i>	Шартнома тузиш	Шартнома икки томонлама ёки уч томонлама бўлиши мумкин <sup>11</sup> . Уч томонлама шартномада банк ҳам буюртмачи сифатида баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни олиш ва имзолаш ҳуқуқига эга бўлади.
<i>3-босқич</i>	Жорий маслаҳат	Баҳоловчи банкнинг ваколатли ходимини гаров таъминоти бўйича кредит муддати амал қилган даврида юзага келиши мумкин бўлган муаммоли ҳолатлар ҳақида огоҳлантиради, шунингдек айрим масалаларни биргаликда муҳокама қилади.
<i>4-босқич</i>	Баҳоловчи банкга қисқа ҳисобот-резюме тақдим этиш.	Баҳоловчи гаров таъминоти сифатида баҳоланаётган объектнинг баҳоси юзасидан банкка қисқа ҳисобот-резюме тақдим этгандан сўнг у бўйича эътирозлар бўлмаса ҳисоботни тайёрлашга киришади.
<i>5-босқич</i>	Буюртмачига тақдим этиш	Объектни баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни буюртмачига тақдим этади.

Амалиётдан маълумки, тижорат банклари айрим ҳолларда муаммоли кредитларни гаров ҳисобидан сўндиришга мажбур бўлганда гаров билан боғлиқ эгалик ҳуқуқи, кадастр тасдиқлаган лойиҳа, фойдаланиш имкониятлари каби

<sup>10</sup> Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

<sup>11</sup> Миллий баҳолаш амалиётида банкларнинг гаров таъминотини баҳолаш бўйича тузиладиган шартнома баҳоловчи юридик шахс ва мижоз (кредит олувчи) ўртасида тузилади. Бироқ, халқаро амалиётда ушбу жараёнда банк (масъул ходим) бевосита иштирок этади, шу боис ҳам кўпчилик ҳолларда баҳолаш бўйича шартнома уч томонлама тузилади.

қатор муаммолар вужудга келади. Буларнинг барчаси, баҳолаш жараёнида банкнинг ваколатли ходимини иштирок этиши ва уч томонлама шартнома тузиш билан маълум даражада ўзининг ечимини топади. Бироқ, мамлакатимиз амалиётида кредит олувчининг таъминот объектини баҳолаш жараёнида банкнинг ваколатли ходими бевосита иштирок этмайди. Фикримизча, ушбу жараённи тартибга солувчи қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш орқали гаров объектини баҳолаш жараёнида банкнинг ваколатли масъул ходимини бевосита иштирок этишини белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ. Бунда масъул ходим бозор қийматини аниқлаш бўйича баҳолаш ҳисобот тузулгунга қадар гаров мулкнинг очиқ бозорда сотилиш даражаси; кредит шартномаси муддати давомида гаров объектининг қиймати ўзгариши; гаров объектини аукционда сотиш ва бошқа кўзда тутилмаган харажатлар вужудга келганда уларнинг гаров таъминоти қийматига таъсири; гаровга қўйилаётган объект кредит олувчига қанчалик даражада зарур ва унинг бизнес фаолиятида қандай роль ўйнаши кабиларга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Таҳлиллар ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда банк кредитининг гаров таъминоти сифатида қўйилган объект бўйича гаров объекти ҳисобидан муаммоли кредитларни сўндиришда уни реализация қилиш ҳамда гаров таъминотини баҳолаш жараёнида банкнинг иштирок этмаслиги билан боғлиқ зиддиятли ҳолат яққол кўзга ташланади. Бунда ўз-ўзидан банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш жараёнига таъсир этувчи талаб ва таклиф омилига эътибор қаратиш талаб этилади.

Диссертациянинг **«Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш ёндашувлари ва қўллаш амалиёти»** номли иккинчи бобида банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашнинг харажат, даромад ва қиёсий ёндашувлари, банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш амалиётининг қўлланилиши ва ҳолати таҳлили баҳоловчи ташкилотлар ҳисоботлари асосида тадқиқ этилган. Боб бўйича тегишли хулосалар келтирилган.

Маълумки, баҳолашнинг харажат, даромад ва қиёсий ёндашувлари мавжуд бўлиб, бундай амалиёт банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашда ҳам қўлланилади. Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашдаги ёндашувлар, қўллаш усуллари, ҳар бир ёндашувнинг афзалликлари ва камчиликлари қуйидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал). «Баҳоловчи ёндашувнинг бирини танлашдан олдин унинг олдида турли хил вариантлар пайдо бўлади. Бундай ёндашувларнинг барчаси битта бозордаги қийматларга асосланган бўлса ҳам, лекин улар бозорнинг турли хил сегментларидаги маълумотлар ҳисобланади. Ривожланган бозорларда барча ҳисоб-китоблар айнан бир хил қийматни келтириб чиқариши лозим. Аммо реал ҳаётда ривожланган бозорларнинг ўзи мавжуд эмас, яъни талаб ва таклиф ҳеч қачон тенгликда сақланмайди»<sup>12</sup>.

---

<sup>12</sup> Хамидулин М.Б., Абдуллаева Ш.Р., Агламова Т.К. и др. Повышение эффективности финансовых инструментов в обеспечении стабильного роста национальной экономики / Под общей ред. академика К.Х. Абдурахманова. – Т.: Ташкентский филиал РЭУ им. Г.В. Плеханова, 2016. – 409 с.

## Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш ёндашувлари қўлланилиши, афзалликлари ва камчиликлари<sup>13</sup>

Аниқлаш усуллари	Қўллаш шартлари	Афзалликлари	Камчиликлари
<b>Даромад ёндашуви</b>			
1. Даромадларни капиталлаштириш усули	Бир маромда даромадлар олаётганда	*Гаров объектнинг ҳақиқий баҳосини муқобиллик асосида аниқлашга хизмат қилиши. *Муаммоли кредитлар юзага келганида банкларнинг кредитлари бўйича йўқотишларининг олдини олишга қаратилиши.	*Барча ҳисоб-китобларнинг башорат маълумотлари ва экспертларнинг дастлабки хулосалари асосида амалга оширилиши. *Гаров объектнинг ҳақиқий баҳосини аниқлаш билан боғлиқ муаммоларнинг юзага келиши мумкинлиги.
2. Пул оқимларини дисконтлаш усули	Барча объектларга қўллаш мумкин	*Гаров объектдан банк томонидан самарали фойдаланиш йўналишларини аниқлаб олиш имконини бериши. *Гаров объектига нисбатан фойда олиш манбаи сифатида ҳам ёндашув шаклланишига хизмат қилиши ва бошқалар.	*Баҳоланаётган объект тўлиқ қуриб битказилмаган ва тўлиқ даромад берадиган даражага етказилмаган ҳолатларда хатоликлар эҳтимоли юқори. *Инфляция шароитида даромад ёндашувини қўллашнинг кутилган самарани бермаслиги ва бошқалар.
<b>Харажат ёндашуви</b>			
1. Соф қиймат усули	Ишончли ва асосли бухгалтерия балансига эга бўлиши. Инфляция даражаси юқори бўлмаслиги	*Гаров объектнинг таркибий қисмлари асосида баҳолаш амалга оширилиши мумкин. *Гаров объектнинг эскириш даражаси ва технологияларнинг жорий ҳолати ҳисобга олинади. *Баҳолаш натижалари молиявий ҳисоб-китобларга асосан аниқланади.	*Баҳолаш санасида гаров объекти бўйича бозор ҳолати инobatга олмайди, баҳолаш ҳужжатларига асосланган ҳолда амалга оширилади *Гаров объекти қиймати белгиланаётганда гаров rischi билан боғлиқ йўқотишларга эътибор қаратилмайди.
2. Тугатиш қиймати усули	Фаолиятни тўхтатиш, активларни сотиш ва мажбуриятларни бажариш	*Гаров объекти қиймати ўзгаришига ундан фойдаланиш йўналишлари таъсир кўрсатади.	*Гаров объекти келтириши мумкин бўлган даромад эътибордан четда қолади. *Кредиторнинг жорий ва истиқболдаги ҳолати ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.
<b>Қиёсий ёндашув</b>			
1. Капитал бозори усули	Ўхшаш объектлар бўйича маълумотлар етарли бўлиши зарур	*Гаров объекти қиймати ўхшаш объектларнинг бозордаги баҳоси таҳлилига асосан белгиланади.	*Ҳисоб-китобларда активлар баҳолари бўйича кескин ўзгаришларнинг инobatга олинмаслиги.
2. Битимлар усули		*Гаров объекти баҳоси бозордаги жорий савдо амалиётлари асосида белгиланади.	*Таҳлил қилинаётган маълумотларда кўпгина тузатиш ва ўзгартиришлар киритилиши мумкинлиги.
3. Тармоқ коэффициентлари усули		*Акция ва облигациялар баҳосига тармоқ омилларининг таъсирини ҳисобга олади. *Ривожланган бозор шароитида гаров объектнинг реал баҳосини белгилаб берувчи ёндашув ҳисобланади.	*Инвесторларнинг келгусидаги даромадлилигини ҳисобга олишни назарда тутмайди. *Айрим ҳолатларда маълумотлар базасининг мавжуд эмаслиги қўшимча мураккабликларни келтириб чиқариши.

Юқорида кўриб чиқилган баҳолаш ёндашувларининг амалиётда қўлланилиши бўйича тўхталиб ўтамиз. Амалиётда қўлланилган ёндашувлар доирасида олинган натижаларни мувофиқлаштириш амалга оширилади. Баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш – баҳолашга нисбатан турли ёндашувлар ёрдамида олинган натижаларни ўлчаш ва таққослаш йўли билан

<sup>13</sup> Жадвал ЎЗР. 9-МБМС «Бизнес қийматини баҳолаш» асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

баҳолаш объектнинг якуний қийматини аниқлашдир. Диссертация ишида келтирилган математик ва мантиқий мувофиқлаштириш усулларида фойдаланган ҳолда кредит олиш мақсадида гаров таъминотини баҳолаш амалиётини кўриб чиқамиз.

Гаров объектнинг якуний қиймати қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{як} = K_{хар} * C_1 + K_{дар} * C_2 + K_{қиёс} * C_3 \quad (1)$$

бу ерда:

$K_{як}$  – гаров объектнинг якуний қиймати;

$K_{хар}$ ,  $K_{дар}$ ,  $K_{қиёс}$  – тегишлича харажатга оид, даромадга оид ва қиёсий ёндашувлар билан аниқланган қийматлар;

$C_1$ ,  $C_2$ ,  $C_3$  – ҳар бир баҳолаш ёндашуви учун танланган тегишли солиштирма ўлчовлар.

Бунда қуйидаги шарт бажарилиши лозим:

$$C_1 + C_2 + C_3 = 1$$

Автотранспорт воситаларини баҳолаш натижаларини мувофиқлаштириш қуйидаги жадвалда акс эттирилган (3-жадвал).

3-жадвал

### **Chevrolet «Lacetti» русумли автотранспорт воситасининг мувофиқлаштирилган баҳолаш натижаси<sup>14</sup>**

Ёндашувлар усули	Харажат ёндашуви (Кхар)	Даромад ёндашуви (Кдар)	Қиёсий ёндашув (Кқиёс)
Аниқланган қиймат	81 642 925	Қўлланилмади	83 804 914
<i>солиштирма ўлчов коэффициентларни топиш формуласи</i>	$C_1 = \frac{K_{зат}}{K_{зат} + K_{дох} + K_{срав}}$	$C_2 = \frac{K_{дох}}{K_{зат} + K_{дох} + K_{срав}}$	$C_3 = \frac{K_{ср}}{K_{зат} + K_{дох} + K_{срав}}$
Ўлчов коэффициентлари	$C_1 = 0,493$	$C_2 = 0$	$C_3 = 0,507$
Ўлчов қийматлари	40 288 028	<b>0</b>	42 450 017
<i>Мувофиқлаштириш қий-матини топиш формуласи</i>	$C_1 + C_2 + C_3$		
<b>Мувофиқлаштирилган қиймат</b>	<b>82 738 046</b>		

Бизга тақдим этилган маълумотларга асосан ҳисоб-китоб натижаларига кўра Chevrolet «Lacetti» русумли автотранспорт воситасининг кредит олиш мақсадидаги гаров қиймати 2017 йил 1 июль ҳолатига тавсия этилаётган баҳолаш қиймати 82 738 046 сўмдан иборат, дея баҳоланган.

Банк кредитлари гаров таъминоти сифатида кенг қўлланиладиган мулклардан бири шубҳасиз бино ва иншоотлардир. Шундан келиб чиққан ҳолда 2017 йилда нотурар жой биносини баҳолаш натижалари билан танишиб чиқамиз (4-жадвал).

<sup>14</sup> Жадвал «Баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ баҳолаш ташкилоти ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тайёрланди.



**Нотурар жой биносини мувофиқлаштирилган баҳолаш натижаси<sup>15</sup>**

Кўрсаткичлар	Харажат ёндашуви	Даромад ёндашув	Қиёсий ёндашув
<b>Олинган натижа</b>	682 812 979,18	2 389 752 956,07	1 796 013 947,77
<i>Оралиқ қозэффицентлар</i>	0,00	0,50	0,50
Ўлчов қиймати	0,00	1 194 876 478,04	898 006 973,88
<b>Умумий қиймати</b>	<b>2 092 883 451,92</b>		

Демак, Тошкент шаҳар, М. Улуғбек туманида жойлашган умумий ер майдони 321,0 кв.м ҳамда умумий қурилиш майдони 642,0 кв.м бўлган маъмурий бинони гаровга қўйиб кредит олиш мақсадида баҳолаш санасидаги бозор қиймати 2 092 883 452 сўмга тенг, дея топилган.

Бугунги кунда жаҳон амалиётида қимматли қоғозларни, хусусан акцияларни гаровга олиш орқали банк кредитлари ажратилиши кенг кузатилади. Шундан келиб чиққан ҳолда миллий амалиётда ҳам 2017 йилда акцияни гаров сифатида олиш учун амалга оширилган баҳолаш ҳисоботи натижаси билан танишиб чиқамиз (5-жадвал).

**Акциядорлик жамияти устав капиталини 100 фоиз ҳолатда баҳолаш натижалари<sup>16</sup>**

Ёндашувлар	Қиймат, сўм	Солиштирма улуш	Бозор қиймати, сўм
<b>Харажат ёндашуви</b>	487 910 576511	0,584	284 708 126,505
<b>Даромад ёндашув</b>	348 232 506 560	0,416	145 030 056,554
<b>Қиёсий ёндашув</b>	Қўлланилмади		
<b>Мувофиқлаштирилган қиймат, сўм</b>			<b>429 738 183 059</b>
<b>Яхлитланган қиймат</b>			<b>429 740,0</b>

Шундай қилиб, акциядорлик жамиятининг устав капиталини 100 фоиз ҳолатда баҳолаш натижаси 429 740,0 (тўрт юз йигирма тўққиз миллиард етти юз қирқ миллион) сўмдан иборат. Мазкур ҳолатда қиёсий ёндашувнинг қўлланилмаганлигини баҳолаш ташкилоти томонидан илгари бундай мулкни гаров мақсадида баҳолаш амалга оширилмаганлиги билан изоҳлашимиз мумкин.

Ўзбекистон банклари, жумладан, «Агробанк» АТБ нинг кредитлаш амалиётларида гаровга қўйилаётган таъминот унинг турига қараб бир неча хил қийматларда қабул қилинади (6-жадвал). Ажратилаётган кредитлар ҳамда банк кафолатлари бўйича (ипотека кредитлари бундан мустасно) гаровга олинган

<sup>15</sup> Жадвал «Баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ баҳолаш ташкилоти ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>16</sup> Жадвал «Баҳолаш ва консалтинг маркази» МЧЖ баҳолаш ташкилоти ҳисоботи асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

мулкнинг турига қараб кредит ҳажмининг ёки кафолат суммасининг гаров қийматига нисбати қуйидагилар билан тавсифланади.

б-жадвал

### Гаровга қўйилаётган таъминот турларини гаров сифатида қабул қилишда баҳолаш мезонлари<sup>17</sup>

№	Мол-мулклар тури	Жорий бозор баҳоларида фоиз ҳисобида, фоизда
1	Кўчмас мулклар	60
2	Транспорт воситалари <sup>18*</sup> : а) Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган транспорт воситалари: - ишлаб чиқарилган муддати 2 йилгача; - ишлаб чиқарилган муддати 3 йилгача; - ишлаб чиқарилган муддати 3 йилдан ошган. б) Чет эл ва МДХ давлатларида ишлаб чиқарилган транспорт воситалари <sup>19**</sup>	80 70 60 60
3	Ўзи юрар қишлоқ хўжалик техникаси ва қурилиш машиналари	60
4	Асбоб-ускуналар (дастгоҳлар, қурилмалар, технологик линиялар, ўзи юрмайдиган қишлоқ хўжалик техникаси)	0
5	Чет эл кредит линиялари орқали олинган товар-моддий бойликлар (лойиҳа амалга ошириладиган ишлаб чиқариш бино-иншоотлар билан бирга тақдим қилинганда)	70
6	Қимматбаҳо металллар ва тошлардан ясалган заргарлик буюмлари (лом нархида баҳоланганда)	90
7	Ер майдонларини ижарага олиш ҳуқуқлари (имтиёзли кредитларга)	60
8	ДҚҚ (давлат қимматли қоғозлари)	90-100
9	Омонат ва депозитлар (нақд пул, Агробанк ва бошқа банкларда сақланаётган омонат ва депозитлар – сўм, эркин айирбошланадиган валютада)	100
10	Суғурга компанияси ёки банклар кафолати	100

Юқорида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, банклар кредит таъминоти сифатида юқори ликвидли ва тез реализация қилинадиган таъминот турларини (кўчмас мулк, автомашина) қабул қилишни афзал кўрадилар. Ўз-ўзидан мазкур ҳолат ушбу мулкларни баҳолаш бозорининг ривожланишига туртки бўлди.

Айни вақтда банклар томонидан қабул қилинган кредитлар гаров таъминоти турлари қуйидаги жадвалда келтирилган (7-жадвал). Ушбу жадвалдан тижорат банкларида банк кредит гаровлари сифатида асосан юқори ликвидли мол-мулклар, хусусан турар жойлар, нотурар бино-иншоотлар, мол-мулклар мажмуи, автотранспорт воситалари олинаётганлигини кўришимиз мумкин.

<sup>17</sup> «Агробанк» АТБнинг 2017 йилга мўлжалланган кредит сиёсати маълумотлари асосида тайёрланди/[www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz).

<sup>18</sup> \*Транспорт воситалари гаровни фақат 3 йил муддатгача ажратиладиган кредитлар бўйича расмийлаштирилиши тавсия этилади.

<sup>19</sup> \*\*Чет эл, МДХ давлатларида ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилиб, фойдаланиш муддати 10 йилдан ошган авто мото транспорт воситалари, қишлоқ хўжалик техникаси ва қурилиш машиналари ноликвид ҳисобланиб, кредит таъминоти сифатида гаровга олинмайди.

**Банк кредити учун гаровга қўйилган баҳоланган активлар турлари, фоизда<sup>20</sup>**

№	Банк кредити гарови турлари	Агробанк		Миллий банк		Ипотека банк		Саноатқурилиш банки	
		Миқдори (сони) бўйича	Даромади бўйича	Миқдори (сони) бўйича	Даромади бўйича	Миқдори (сони) бўйича	Даромади бўйича	Миқдори (сони) бўйича	Даромади бўйича
1	Тижорий кўчмас мулк	1,9	45,0	23,0	30,0	3,4	25,0	40	60
2	Турар жой	28,0	20,0	8,0	6,0	58,0	40,0	28	20
3	Тугалланмаган қурилиш	0,2	2,0	-	-	5,2	2,0	3	0,7
4	Ишлаб чиқариш ускуналари	0,6	4,0	10,0	20,0	3,6	4,0	15	10
5	Автотранспорт ва махсус техникалар	68,6	25,0	25,0	20,0	28,1	25,0	10	2
6	Мол-мулклар мажмуи	0,6	3,0	8,0	10,0	0,6	3,0	3	7
7	Бизнес	0,0	-	-	-	0,0	-	0	0
8	Товар-моддий захиралар	0,1	1,0	14,0	7,0	1,1	1,0	1	0,3
9	Номоддий активлар	0,0	-	-	-	0,0	-	0	0
10	Мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқлари	0,0	-	12,0	7,0	0,0	-	0	0
11	Бошқа активлар	0,0	-	-	-	0,0	-	0	0

Кредит гаров таъминотини баҳолашни тегишли лицензияси бўлган баҳоловчи ташкилот ва баҳолаш малака сертификатига эга бўлган баҳоловчилар амалга оширади. Қуйидаги жадвалда Ўзбекистонда баҳолаш ташкилотлари ҳақида умумий маълумотлар келтирилган (8-жадвал).

8-жадвал

**2013-2017 йилларда Ўзбекистонда баҳолаш ташкилотлари ҳақида умумий маълумотлар<sup>21</sup>**

Йиллар	Баҳолаш ташкилотлари сони	Шундан:			Қўрсатилган хизматлар ҳажми, млрд сўмда	Тузилган шартномалар Сони	Бажарилган баҳолаш ҳисоботлари сони	Шундан:	
		Кўчар мулк баҳолаш	Кўчмас мулк баҳолаш	Бизнес қийматини баҳолаш				Гаров таъминотини баҳолаш ҳажми, млрд сўмда	Гаровни баҳолаш учун тузилган шартномалар Сони
2013	140	20	2	118	26,1	69 800	72 600	11,3	48 785
2014	154	26	2	126	32,3	73 572	78 103	11,7	51 754
2015	175	28	2	145	34,7	78 341	83 104	12,2	54 104
2016	183	26	2	155	37,1	82 576	91 693	12,6	56 363
2017	223	22	6	195	40,3	96 579	97 142	16,8	61 024

<sup>20</sup> Жадвал банк ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>21</sup> Жадвал Давлат рақобат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

8-жавдал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган даврда баҳолаш ташкилотлари сони 140 тадан 223 тага етган ёки шу даврда 1,6 баробарга ортган. Эътиборлиси шундаки, уларнинг деярли 90 фоизга яқини бизнес қийматини баҳолаш ташкилотлари ҳисобланади. Баҳолаш ташкилотларининг асосий фаолияти банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашга қаратилган бўлиб, 2013 йилда жами хизматларнинг 69,5 фоизи, 2017 йилда эса 62,8 фоизи шу хизматларга қаратилган.

Амалиётда банклар томонидан кредит гаров таъминоти сифатида олинган мол-мулклар бўйича тегишли равишда гаров реестри шакллантирилади. Гаров реестри хизматларидан ҳозирги кунда барча тижорат банклари, ломбардлар, микрокредит ташкилотлар, лизинг ташкилотлари ва жисмоний шахслар фаол тарзда фойдаланишмоқда.

Фикримизча, кўчар ёки кўчмас мулкларни банк кредитлари гаров таъминоти сифатида баҳолаш жараёнида вужудга келаётган камчиликларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мақсадга мувофиқ:

- банклар гаров таъминотини баҳолашнинг сифат ва самарадорлиги бўйича талабнинг юқори эмаслиги, шунингдек айрим ҳолларда берилаётган кредит бўйича ташқи босим ва аралашувнинг мавжудлиги ҳам кредитнинг гаров таъминоти бўйича қўйилаётган мол-мулкларни баҳолаш ишларининг сифати ва самарасига салбий таъсир кўрсатади;

- айрим баҳоланаётган объектларни баҳолашда қиёсий ёндашувини жорий этганда уларга ўхшашини топишнинг имконияти мавжуд эмас, бундай ҳолат кўпроқ асосий воситаларни баҳолаш жараёнида учрайди;

- маълумки кредит бўйича гаровга қўйилаётган объектларга баҳолаш ташкилотлари томонидан ўрнатилган баҳоларга 25-30 фоизгача дисконт қўлланилиши, шундан сўнг аниқланган суммасига нисбатан 80 фоиз даражасида кредит берилиши банкларнинг гаров таъминоти бўйича баҳолаш натижаларига бўлган қизиқишини унчалик оширмайди.

Диссертациянинг «**Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашни такомиллаштириш йўллари**» деб номланган учинчи бобида хорижий амалиётда банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашни ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, миллий амалиётда банк кредитлари гаров таъминотини баҳолашдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш масалалари бўйича илмий натижалар олинган ва боб бўйича хулосаларда ўз аксини топган.

Халқаро амалиётда кредитнинг гарови таъминоти сифатида қимматли қоғозлар кенг доирада қўлланилади. Агар гаровга қўйилган қимматли қоғоз ҳужжатли бўлса, банк уни закалад сифатида кредит берилган муддат давомида сақлаш учун қабул қилади. Кредит учун закалад сифатида олинган қимматли қоғозни баҳолаш кўп меҳнат талаб қилмасда, бироқ уни кредит таъминотининг гарови сифатида олиниши анчагина рискли ҳисобланади.

Гаровга олинаётган акцияларни баҳолаш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилади:

- акция устав капитали таркибида қандай улушга эга бўлишидан қатъий назар баҳоланади;

- айрим ҳолларда кредитнинг гаров таъминоти сифатида 20 % дан ортиқ акциялар олинадиган бўлса, корхона директорлар кенгашининг бу бўйича ижобий қарори қабул қилинади;

- банк акциядорнинг акциядорлар реестрида мавжудлигини тасдиқловчи қайд қилиш китобидан кўчирмани талаб этади;

- акциялар гаровга қўйилгандан кейин компания ёки банкнинг тегишли ҳисоб варағида депонентланади. Бу депозитар томонидан бериладиган кўчирмада акс эттирилади.

Халқаро амалиётда банк кредитлари бўйича айланмадаги товарларни гаровга қўйиш кенг қўлланилади. Бундай ҳолатда компанияга товарларни сотиш бўйича чегара жорий этилмаган бўлиши ҳамда корхона мустақил равишда товар, хом-ашё, материаллар ва бошқа активларини сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур. Шунингдек, ликвидлиги кўзда тутилган даражадан ўзгармаслиги, яъни пасаймаслиги керак.

Умумий ҳолда таъкидлаш мумкинки, хорижий амалиётда банк кредитлари гаров таъминоти сифатида кўчар ва кўчмас мулк, молиявий активлар, интеллектуал мулк кабилар кенг қўлланилишига гувоҳ бўлиш мумкин.

Банк кредитлари гаров таъминотини баҳолаш юқорида таъкидланганимиздек, аниқ механизмларга асосланади. Бунда кўчмас мулк, кўчар мулк, қишлоқ хўжалигида келгуси ҳосил, молиявий актив, интеллектуал мулк кабиларни гаров мулки сифатида баҳолаш ҳам умумий, ҳам алоҳида хусусиятларга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда банк кредитлари мақсадида гаров сифатида баҳолаш амалиётлари ҳам ўзаро фарқ қилувчи механизмларга эга ҳисобланади. Юқоридагилар асосида қуйида кредит мақсадларида қишлоқ хўжалигида бўлғуси ҳосилни гаров сифатида баҳолаш ҳамда корпоратив облигацияларни гаров сифатида баҳолаш механизмлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларида бўлғуси ҳосилни гаровга олган ҳолда кредит бериш амалиётида бўлғуси ҳосилни баҳолаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларнинг келгусидаги миқдори қарз олувчи томонидан сўнгги уч йилда қўлга киритган ҳосилнинг миқдори тўғрисидаги далиллар; қишлоқ хўжалиги фаолиятини тартибга солувчи ҳамда назорат қилувчи давлат органи томонидан аниқ ҳудуд, яъни гаровга қўйилиши режалаштирилаётган ҳосил етиштириладиган майдон жойлашган ҳудуд бўйича кутилаётган ҳосилдорлик даражаси; қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича қарз олувчи томонидан тақдим этилган технологик харита асосида аниқланиши мумкин.

Аниқ майдон бўйича эҳтимолий гаров миқдори қуйидагича аниқланади:

$$V_z = H \times S \times 0,1$$

Бу ерда,  $V_z$  – келгусидаги қишлоқ хўжалиги ҳосили миқдори (тоннада);

